

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12. 2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВ ХАМИД ХАМДАМОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК СОНЕТЛАРИДА МИЛЛИЙ
КОЛОРИТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Мирзаев Хамид Хамдамович

Ҳозирги ўзбек сонетларида миллий колорит ва умуминсоний қадриятлар 3

Мирзаев Хамид Хамдамович

Национальный колорит и общечеловеческие ценности в современных
узбекских сонетах..... 23

Mirzayev Khamid Khamdamovich

National colour and universal mankind values in modern Uzbek sonnets 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12. 2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВ ХАМИД ХАМДАМОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК СОНЕТЛАРИДА МИЛЛИЙ
КОЛОРИТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.3.PhD/Fil1339 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холмуродов Абдухамид
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Умуров Ҳотам Икрамович
филология фанлари доктори, профессор

Сабирдинов Акбарали Ғафурович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “18” июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail:rector)@samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (57 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил “5” июль куни тарқатилди.
(2022 йил “5” июль даги 91-рақамли реестр баённомаси).



М.Қ. Муҳиддинов
М.Қ. Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Д.Б. Хурсанов
Д.Б. Хурсанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.А. Ҳасанов
Ш.А. Ҳасанов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12. 2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВ ХАМИД ХАМДАМОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК СОНЕТЛАРИДА МИЛЛИЙ
КОЛОРИТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.3.PhD/Fil1339 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холмуродов Абдухамид
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Умунов Ҳотам Икрамович
филология фанлари доктори, профессор

Сабирдинов Акбарали Гафурович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “18” июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail:rector @samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____куни тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги ___ -рақамли реестр баённомаси).

М.Қ. Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Д.Б. Хурсанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.А. Ҳасанов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон цивилизацияси тараққиётида бадий асарлар инсон тафаккурининг ўзгаришига, унинг рухий-маънавий оламини юксалишига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда. Адабиёт санъатининг бир тури сифатида халқлар ва уларнинг бадий-эстетик дидини шакллантиришда муҳим босқич ҳисобланади. Зеро, умумбашарий тафаккур тарзида инсон ва унинг рухий дунёси тасвири доим етакчилик қилиб келган. Сонет жанри хусусиятлари замонавий инсон руҳиятини очиб беришга йўналтирилганлиги билан ҳам миллий адабиётлар равнақиға муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги адабий жараёнда поэтик мезонларнинг методологик жиҳатдан асосланиши замонавий адабиётшунослик олдида долзарблик касб этади.

Дунё адабиёти ва адабиётшунослигида сонет жанридаги асарларнинг майдонга келиши, шаклланиши ва ривожланиши адабиёт тарихи билан узвий равишда ўрганилмоқда. Сонет жанри ўзининг мусиқийлиги, шу билан бирга, қатъийлиги, қурилишининг равшанлиги, шунингдек, ғайриоддий якуни билан ўзига тортадиган ноодатий поэтик жанрдир. Сонет таркибидаги поэтик янгиланишлар лирик қаҳрамоннинг турфа хил ҳолатлари талқини учун асос бўлиб келди. XX аср бошларига келиб бу жанр тараққиёти, поэтик тасвир усули адабиётнинг рангин оҳанглари юзага чиқариш имконини берди. Шунингдек, сонет жанри табиатидаги поэтик ўзгаришлар, лирик қаҳрамон рухий кечинмалари беқиёслиги, бадий-эстетик хусусиятларининг назарий асослари уни тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда инсон ва унинг тафаккурини шакллантиришда адабиётнинг роли ошиб бормоқда. Дарҳақиқат, халқимизнинг миллий ўзлигини англашда сонет жанридаги миллий колорит ва умуминсоний қадриятларнинг кенг маънода ифода этилиши инсон ҳамда унинг рухий баркамолликка эришуви, дунёқараши, тафаккури ва маънавий оламида ўзига хос ўзгаришларнинг вужудга келиши учун кенг имконият яратди. Зеро, “Юксак идеаллар йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, ўзлигимизни англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш, ижод аҳлига хос эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни юксак қадрлаймиз”¹. Шу нуқтаи назардан, ўзбек сонетларини типологик тадқиқ қилиш, унинг тарихи ва назариясини ишлаб чиқишда жаҳон халқлари тўплаган адабий тажрибаларидан сабоқлар чиқариш ғоят зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисидаги”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маърузаси// “Халқ сўзи”. – Тошкент, 2017 йил, 4 август

маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда китобхонлик маданиятини юксалтириш муаммо ва вазифалари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётида сонет жанри тадқиқотига бағишланган ишлар кўлами кенг эмас. Бу жанр асосан Европа адабиёти таъсирида кириб келганлиги боис сонет жанри ҳақидаги илмий-назарий асосларга рус ва у орқали бошқа тилларда яратилган илмий фикрларга асосланиб фикр юритиш мумкин. Сонет жанри ғарб адабиётшунослигида кенг тадқиқ этилган бўлса-да², бизда ҳозиргача жанр тарихи ва назариясини очиб берадиган кенг пландаги ишлар амалга оширилмаган. Ўзбек адабиётшунослигида айрим дарслик, монография, илмий мақолаларда жанр назариясига оид обзор тарихидаги маълумотларнигина учратиш мумкин³. Сонет жанрида баракали ижод қилган шоирларнинг ижоди турли даврларда у ёки бу даражада тадқиқ қилинган, холос. Жумладан, Ғ.Саломов, Н.Комилов, Н.Шукуров, Т.Жўраев, А.Раҳимов, Д.Тўраев С.Раҳмонова, О.Файзуллаева ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган. Буларда В.Шекспир, Ф.Петрарка ва жаҳон адабиётининг бошқа сонетнавислари ижодий тажрибалари Б.Бойқобилов, Р.Парфи, Фахриёр ижодида ривожлантирилганлиги хусусида илмий мулоҳазалар билдирилган.

О.Файзуллаева ўзбек адабиётида яратилган сонет жанридаги шеърларнинг бадиий хусусиятларини, Н.Шукуров сонетнинг назарий масалалари ҳамда жанр табиатига хос жиҳатларини, Ғ.Саломов, Н.Комилов,

² Западноевропейский сонет XIII – XVII веков. Поэтическая антология. – Л.: ЛГУ, 1988.– 496 с.; Михайличенко Б.С. Библиографический указатель. Введение в зарубежную сонетологию XX века (60 – 80-е годы). – Самарканд: СамГУ, 1995.– 236с.; Михайличенко Б.С. Поэтика жанра русского сонета XVIII в. //Идейно-образный мир литературного произведения и художественный процесс. – Самарканд: СамГУ, 1988.–126 с.; Михайличенко Б. Теория сонетного жанра. Самарканд, СамДУ, 1995.– С. 40.; Сонет серебряного века. Русский сонет конца XIX – начала XX века. – М.: Правда, 1990.550 с.; Санкстис Ф. История итальянской литературы. В двух томах.– М.: Прогресс, 1963. – Т.1 – С. 14; Нефедов Н.Т История зарубежной критики и литературоведения. – М.: Высшая школа, 1988.– 272с; Буслаев Ф. О литературе. Исследования. Статьи. – М.: Художественная литература, 1990.– 511с.; Тураев С.В. Гёте и формирование концепции мировой литературы. – М.: Наука. 1989.– 271 с.; Шкляревский И. Поэзия – львица с гривой. – М.: Советский писатель. – 1986.– 142 с.

³ Аъзам А., Ҳаққулов И. Бадиий сўз шукуҳи.–Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. 146 б.; Иброҳимов М. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши.– Т.: Фан, 1983. – 224 б.; Мамажонов С. Алангали йилларнинг оташин шоири. // Боту. Ёз куни. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.224 б.; Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси.– Т.: Фан. 1978. –138 б.; Шукуров Н. Бу олам сахнида.– Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 192-203б.; Ғафуров И. Шоирона изланишлар, изчиллик. // Б.Бойқобилов. Сонетлар. Сўзбоши.– Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 5-6 б.

И.Ғафуров, С.Мамажонов, Т.Жўраев, А. Раҳимовлар эса сонетларнинг бадий табиати тўғрисидаги кузатувлари ва шу асосда тақдим этган хулосалари муҳим аҳамиятга эга⁴. О. Файзуллаева, С. Раҳмоноваларнинг Б.Бойқобилов, Рауф Парфи ижодида сонет жанрининг ўрни ҳақида билдирган мулоҳазалари ҳам эътиборга лойиқ⁵. Ўзбек адабиётшунослигида шу кунгача ўрганилган сонет жанри тадқиқи анча салмоққа эга. Шунга қарамай, сонетларда миллий колорит ва умуминсоний қадриятлар муаммоси борасида монографик тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Замонавий ўзбек адабиёти ва адабиёт ўқитишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек сонетларида миллий колорит ва умуминсоний қадриятларнинг бадий ифода тарзи ҳамда янги анъаналар билан бойиб боришини қиёсий-типологик, илмий-назарий жиҳатдан асослаш, туркум, гулчамбар ҳамда сонет-достонларнинг ноанъанавий талқинларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сонетларда миллий колорит ва умуминсоний қадриятлар талқинини баҳолаш;

ўзбек адабиётида сонет жанрининг пайдо бўлиши, унинг ривожланиш омилларини аниқлаш ва тараққиётини кузатиш;

сонет ва ғазал жанри намуналарини қиёслаш орқали улар ўртасидаги муштарак жиҳатларни очиш;

сонетлар туркуми, сонетлар гулчамбари ҳамда сонет-достон хусусиятларини кўрсатиш;

ўзбек сонетчилигининг тадқиқи ва таҳлили, уларни илмий-назарий жиҳатдан баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чўлпоннинг “Жаволаш” сонети, Усмон Носирнинг сонетлардан иборат “Нил ва Рим” асари, Б.Бойқобилонинг “Ҳаёт махзани ёхуд ярим аср девони” сайланмаси, “Шарқ камалаги” тўплами, Р.Парфининг “Тавба” тўплами, Фахриёрнинг “Геометрик баҳор”, “Ислам” тўпламлари, ҳамда М.Абдулҳакимнинг бир қатор сонетларидан фойдаланилди. Ўзбек сонетини ғарб сонети билан қиёсий ўрганишда В.Шекспир, А.Пушкин, П.Неруда сонетларига ҳам мурожаат қилинган.

⁴Саломов Ғ., Комилов Н., Жўраев Т. Сонетда янградим торимни/ Ҳаёт кўзгуси. Тўплам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984.–345-360 б., Ғафуров И. Шоирона изланишлар, изчилик, // Барот Бойқобилов. Сонетлар. Сўз боши. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 5-6 б., Мамажонов С. Алангали йилларнинг оташин шоири// Боту. Ёз ёмғири. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 224 б.

⁵Файзуллаева О. Ҳозирги ўзбек шеърлятида сонет жанрининг бадий хусусиятлари: Филол. фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент., 2011. – 24 б.;Раҳмонова С. Ўзбек сонетлари: поэтик структура ва бадий образ. Филол. фан. ном. дисс... автореф.–Тошкент, 2010. – 28 б.; Д.Тўраев. Ўраз Ҳайдар сонетлари. Қаранг: Рангин тасвирлар жилоси. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Akademnashr, 2014. – 174 б.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги ўзбек сонетларида индивидуал маҳорат, миллий колорит ва бадий тафаккур имкониятларини очиб бериш, ҳамда жанр табиатини қиёсий-типологик методлар орқали илмий-назарий ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий-қиёсий, лингвистик, қиёсий-типологик ва аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек сонетларида миллий колорит ва умуминсоний қадриятлар инсонийлик, садоқат, бурч, вафо каби мотивларнинг жанр имкониятида ривожланиши далилланган;

сонетларнинг XX асрнинг 20-йилларида ўзбек адабиётида шаклланилиши, замонавий ўзбек лирикасида мустақам қарор топгани, мазкур жанр назариясига оид композицион тузилиш, қофияланиш тартиби ҳамда уларнинг анъанавий ва ноанъанавий сонетлар таркибидаги дostonга хос лиро-эпик хусусиятлари асосланган;

жанр хусусиятларининг такомиллашувига “Сонетлар гулчамбари”даги услуб индивидуаллиги, композицион яхлитлиги, шоир маҳорати ҳамда рухий-психологик уйғунлигига эришиш жараёни очиб берилган;

XX аср ўзбек сонетнавис шоирлари Усмон Носир, Барот Бойқобилов, Рауф Парфи, Фахриёр каби ижодкорлар асарларида метафорик бирликлар, эсхотологик тушунчалар жаннат ва дўзах, ўлим ва ҳаёт моҳияти ҳамда лирик хотиманинг кескинлиги қабилар қўлланилганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий колорит моҳиятининг сонет жанрида ифодаланиши, умуминсоний қадриятларнинг жанр талқинидаги бадий-эстетик мақсади ва унинг аҳамияти очиб берилган;

ўзбек шеърлятида сонет жанрининг ўрни ва жанрлараро фарқланишлар ҳамда муштаракликларни аниқлашда, сонетарий, гулчамбар (чамбар), сонет-дoston каби жанр турларида лиро-эпик хусусиятларининг назарий асослари яратилган;

жанр назариясига оид қарашлар, мазмун-моҳиятидан чиқарилган хулосалар, илмий мулоҳазалар адабиёт тарихи ва назариясига тегишли дарслик, методик қўлланмалар яратишда хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, таҳлиллар ва улардан чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги ва аниқлиги, қўйилган муаммо лингвистик, қиёсий-тарихий, матн таҳлили усуллари асосида ишончли манбалардан фойдаланиб илмий-назарий таҳлил қилинганлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек адабиётида етарли даражада ўрганилмаган, аммо бугун ўзининг шаклланиш босқичига кирган сонет жанрининг илмий-амалий асослари Б.Бойқобилов, Р.Парфи, Фахриёр ижоди мисолида ёрилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таҳлил ва унинг ўзига хосликларига оид қарашлар XX аср ўзбек адабиётининг муҳим тарихини

яратишга, ўзбек адабиётини поэтик образлар билан бойитишга, замонавий адабиётшуносликни илмий-назарий янгиланишига хизмат қилади. Улардан соҳада яратилажак турли илмий ишлар; олий ўқув юртлари – университет ва педагогика институти талабалари, ихтисослашган мактаб ўқувчилари учун дарслик ва қўлланмалар, мавзуга оид маъруза ва махсус курслар, қўшимча адабиётларни яратишда муҳим асос, манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек адабиётида сонет жанри тадрижий тараққиёти, ўзбек сонетларида миллий колорит ва умуминсоний қадриятларнинг бадиий ифодаси тадқиқ этилиши асосида:

Ўзбек сонетларида миллий колорит ва умуминсоний қадриятлар инсонийлик, садоқат, бурч, вафо каби мотивларнинг жанр имкониятида ривожланиши асосидаги қарашлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг ФА-Ф1-Г002 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 25 апрелдаги 208/1-сон маълумотномаси). Натижада сонет жанрининг ўзбек адабиётида пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари, жанр табиатини ўзида мужассам этган янги жанрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, такомилга эришишда жанр генезиси ва тадрижий ривожини хусусиятларининг қорақалпоқ фольклори билан боғлиқлиги текширилган, жанрлар юзасидан назарий қарашлардан зарур ўринларда фойдаланилган.

Сонетларнинг ХХ асрнинг 20-йилларида ўзбек адабиётида шаклланганлиги, замонавий ўзбек лирикасида мустаҳкам қарор топганлиги, мазкур жанр назариясига оид композицион тузилиш, қофияланиш тартиби ҳамда уларнинг анъанавий ва ноанъанавий сонетлар таркибидаги дostonга хос лиро-эпик хусусиятлари асосида адабиётшунослик тарихига оид маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 18 августдаги 17.01/184-сон маълумотномаси). Натижада сонет жанрининг ўзбек адабиётида пайдо бўлиши, шаклланиш босқичларининг ХХ аср қорақалпоқ адабиётига таъсири, жанр тараққиётидаги тажрибалар ва анъаналарнинг қорақалпоқ адабиётида ривожлантирилиши масалалари юзасидан таҳлиллар амалга оширилган. Б. Бойқобилов, Р. Парфи, Фахриёр, М. Абдулҳаким сингари ўзбек шоирлари ижодининг қорақалпоқ шоирлари ижодига таъсири, сонет жанрининг қорақалпоқ шеъриятида тутган ўрнини таҳлил ва тадқиқ этилиши масалалари доирасида ўрганиш имконияти яратилган.

XX аср ўзбек сонетнавис шоирлари Усмон Носир, Барот Бойқобилов, Рауф Парфи, Фахриёр каби иждокорлар асарларида метафорик бирликлар, эсхотологик тушунчалар жаннат ва дўзах, ўлим ва ҳаёт моҳияти ҳамда лирик хотиманинг кескинлиги ҳақидаги хулосалардан Навоий вилоят телерадиокомпанияси ва радиоэшиттиришлар тахририяти томонидан фойдаланилган (Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 02 мартдаги 01-02/80-сонли маълумотномаси). Натижада диссертацияда илгари сурилган илмий мулоҳазалар “Қадрият”, “Адабий муҳит”, “Жавондаги жавоҳир” кўрсатув ва эшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда хизмат қилган. Кўрсатув ва эшиттиришларнинг ранг-баранг ва оммавийлиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси юзасидан 13 та илмий иш чоп қилинган. Шундан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, хорижий журналларда битта мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 154 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг “**Кириш**” қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, методика ва методологияси, ўрганилиш даражаси ва илмий янгилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, объекти, жорийланиши ва тузилиши ҳақида умумий маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Сонет жанрининг ўзбек адабиётидаги генезиси ва тараққиёти**” деб номланиб, у икки фаслдан иборат. “**Ўзбек сонетининг тарихи ва назарий асослари**” деб аталган биринчи фаслда ўзбек адабиётига сонет жанрининг кириб келиш тарихи, назарияси кузатилади. Ҳар бир жанрнинг пайдо бўлиши ё йўқолиб бориши давр ва замондошлар руҳиятини қай тарзда ифодалай олиши билан боғлиқ ҳодиса. Албатта, даврнинг сиёсий-ижтимоий қарашларини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Бунга адабиёт тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. М.Иброҳимовнинг фикрича, XX аср бошлари ўзбек поэзиясида янги жанрларнинг пайдо бўлиши тарихий зарурат бўлган⁶. Н.Афоқова эса жадид адабиётида шеърининг шакллари масаласини ўрганар экан, «жадид адабиёти – анъана ва янгилик кесишган чорраҳада майдонга келган адабиётдир»⁷, дейди.

⁶ Иброҳимов М. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши. – Т.: Фан, 1983. – Б.114.

⁷ Афоқова Н. Ўзбек жадид адабиётида шеърининг шакллари тараққиёти тамойиллари. ДДА. – Т.: 2005. –5 б.

Маълумки, XX асрга келиб ғазал ўзбек адабиётида ўз гегемонлигидан маҳрум бўлди. Ғазал Шарқда қандай мавқе эгаллаган бўлса, сонет Ғарбда шундай ўрин эгаллаган. Гарчи сонетнинг илк намуналари XX аср 20-йилларида пайдо бўлиб, 70-80-йилларга келиб ривожланиш босқичига кўтарилгани, эҳтимол ғазал соғинчининг кўнгил эҳтиёжига айланиши маҳсулидир. Зотан, бугунги ўзбек сонетида биз ғазал анъаналарига яқин жиҳатларни ҳам кўраяпмизки, бу фикримизни яна бир бор далиллайди.

Ўзбек адабиётшунослигида сонетларга берилган таърифларда деярли бир хилдаги қарашларга дуч келамиз. Профессор Н.Шукуров «Сонетлар» номли мақоласида қуйидаги фикрларни билдиради: «Сонет қатъий шакл белгиларига эга бўлган лирик асар ҳисобланади. У 14 мисрадан иборат бўлиб, учта тўрт мисралик, битта икки мисралик банддан, баъзан эса иккита тўрт мисралик, иккита уч мисралик банддан ташкил топади. Шаклдаги бундай қатъий белгилар поэтик фикрни ғоят қуюқлаштирилган ҳолда ифодалашга имкон беради. Сонетнинг уч банди давомида фикр изчил ривожланади ёки деталлаштирилади, шундан сўнг келувчи охириги икки мисрада эса поэтик фикрга яқун ясалади»⁸. Муаллиф «Адабиётшуносликка кириш» дарслигида ҳам шунга яқин фикр билдиради⁹.

«Адабий турлар ва жанрлар»нинг У.Тўйчиев томонидан ёзилган иккинчи томида сонет тўғрисида қуйидагича маълумот берилади: «Сонет ўн тўрт мисрали банд, рус адабий-илмий манбаларида лирик жанр деб кўрсатилган... тўртлиги катрен, учлиги терцет дейилади; тўртликлар а-б а-б, а-б а-б ёки аб-ба, аб-ба; учликлар в-г-в, г-в-г ёки в-г-д, в-г-д қофияланади»¹⁰. Бошқа адабий манбаларда ҳам юқоридаги қарашларнинг шуларга яқин талқинини учратамиз¹¹.

Адабиётшунос Дамин Тўраев қайд қилганидек: «XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон шеърятининг йирик намояндалари сонетлари рус тилида нашр этилиб кенг тарқалган бир ижтимоий-маданий муҳитда ўзбек шоирлари ҳам бу жанрда ижод қила бошлади»¹². Қайд қилинганидек, жанрнинг ўтган аср бошларида шаклланган, аммо 60-йилларда янада тараққий эта бошлаганлигини кузатамиз.

Бугунги ўзбек шеърятинида сонет ривожланиш босқичига қадам қўйди ва табиийки, сонет ҳақида энди юқоридаги обзор тариқасидаги маълумотлар билан чекланиб бўлмайди. Шунингдек, адабиётимизда сонетнинг илк ижодкорлари сифатида Усмон Носир номи тилга олинади. Бироқ кейинги изланишлар самараси ўлароқ Боту (Маҳмуд Ҳодиев) сонетнинг илк намунасини яратганлиги маълум бўлди. Сонетшунос Б.Михайличенко шу масалага эътибор қаратар экан, Ботунинг 1919 йилда ёзилган «Ёз куни» шеърини ўзбек сонетининг илк намунаси эканлигини таъкидлайди¹³.

⁸ Шукуров Н. Бу олам сахнида . - Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, - Б.192.

⁹ Шукуров Н. Адабиётшуносликка кириш.-Т., Ўқитувчи, 1984.-Б. 217.

¹⁰ Адабий турлар ва жанрлар. Уч томлик, 2-том. -Т., Фан, 1992. - Б.188.

¹¹ Ўзбек совет энциклопедияси. Т., ЎзСЭ Бош редакцияси, 1978. – Т., 10-Б.234; Энциклопедик луғат. -Т., 1990. Икки томлик.2-том. – Б.206.

¹² Д.Тўраев. Рангин тасвирлар жилоси. – Т., Академнашр, 2014. -Б.174.

¹³ Михайличенко Б. Теория сонетного жанра.- Самарканд: СамДУ, 1995. – С. 40.

Бобнинг иккинчи фасли “Сонетларда миллий колорит ва ижтимоий рух” деб номланган. Ғарб адабиётида сонет нисбатан қадимий жанр бўлганлиги боис, унинг илмий-назарий хусусиятлари анча кенг ишланган. Кўпгина энциклопедик луғатлар, монографияларда сонетнинг, асосан, тузилиши, қофияланишига оид қисқа маълумотлар берилган¹⁴.

Сонетнинг кенг ёйилиши унинг жанри табиатидаги халқона қўшиқчилик оҳанглари мавжудлиги билан характерланади. Чунки қай бир халқ адабиётини кузатманг, унда қўшиқ ўзининг энгил оҳанги, равон ва соддалиги билан бутун бир халққа манзур ва машҳур бўлади. Зотан, ҳозир ҳам сонетни қўшиққа солиш мумкин. Гарчи М. Бахтин “сонетни оғир, вазмин жанр”¹⁵ ҳисобласа-да, бироқ бу қарашларни ўзбек сонетларига тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайди. Сонетнинг айнан қўшиққа яқинлик хислати унинг “қўчиши” ва “ёйилиши”ни таъминлади.

Ўзбек адабиётида, юқорида қайд этилганидек, сонетнинг илк намунасини Боту яратди. Гарчи “Ёз куни” том маънода сонет қоидаларига мос тушмаса-да, унда жанр ҳосил қилувчи элементлар мавжуд.

“Ёз куни” уч тўртлик ва бир иккиликдан иборат. Дастлабки тўрт мисранинг қофия тартиби эркин. Кейинги бандлар эса маснавий қофиясидан андоза олган.

Қиш куни ўтиб ёз куни келди,
Ер юзин олган қорлар туганди.
Ҳар ким эғнидан пахталик тушди,
Юпқа кийимлар боқинг кийилган.

Поэтик тил имкониятларини яхши ўзлаштирган, шоирлик маҳоратини оширган Боту 1925 йилдан бошлаб сонет жанрида қайта кучини синай бошлайди. Ўтган давр шоир ижодида беиз кетмади. Илк сонетида кўринган содда тил, оддий ифодалар ўрнини пишиқ-пухта, композицион мустаҳкам поэтик жумлалар эгаллайди. Шу жиҳатдан унинг “Золим ўлкаларида”, “Яна сизга”, “Кураш учкуни”, “Озод қизга”, “Аланга” сонетлари характерлидир. Бу сонетларнинг барчаси 4+4+4+2 схемаси тарзида ёзилган бўлиб, банддан-бандга ўтган сари поэтик ғоя тиниқлашиб, жанр бадиийлигини белгилайдиган асослар кучайиб боради. Тезис – антитезис-хулоса учлиги Боту сонетларида ёрқинроқ гавдалана боради.

Чўлпоннинг 1921 йилда ёзилган “Куз”, “Халқ”, 1924 йилда ёзилган “Жаволаш”, 1927 йилда ёзилган “Қайтиш” шеърлари ўзбек сонетининг илк намуналари қаторида саналади. Чўлпоннинг бутун ижодиётида бўлганидек бу асарларида ҳам Ватан эрки етакчи ўрин тутуди. Адабиётшунос Д. Қуроноф ёзганидек, “Мумтоз шеърятимизда фаол қўлланган рамзларга Чўлпон янги маъно юклади: унинг талқинида “ёр” – юрт озодлигию, “ошиқ” – эркак ташна кўнгил. Яъни мутасаввуф шоирлар интилган маънавий-эстетик идеал Ҳақ

¹⁴ Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: Русский язык, 1985. – С. 797; Энциклопедический словарь. В 2 томах. – М.: СЭ, 1964, - Т. 2. – С. 421; Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: СЭ, 1966. – 376. Нефедов Н.Т. История зарубежной критики и литературоведения. – М.: Высшая школа, 1988.- 272 с.; Пальчиков В. Свод сонетов. – М.: Советский писатель, 1990. 224 с.; Тураев С.В. Гёте и формирование концепции мировой литературы. – М.: Наука, 1989.- 271 с.

¹⁵Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1979. – С. 382.

бўлса, Чўлпон интилиб яшаган ижтимоий-эстетик идеал ЮРТ ОЗОДЛИГИ бўлиб қолди. Бундан англашиладики, Чўлпон ижодиётидаги рамзлар, асарлари қатидаги ботиний мазмун мумтоз шеърятимиздан туртки олган ҳолда тушунилиши лозим. Зеро, Чўлпон мумтоз шеърятдан нафақат қуруқ шаклни, руҳни ўзлаштирганди”¹⁶. Адабиётшунос таъкидлаганидек, Чўлпон ижоди, хусусан, шеърятни рамзларга, тағмаъноларга бойки, буни “Қайтиш” сонети мисолида ҳам кўрса бўлади.

Усмон Носирнинг лирик шоир, пейзаж лирикаси устаси эканлигини унинг “Денгизга” номли сонети орқали ҳам далиллаш мумкин. Гарчи Усмон Носир Боту, Чўлпонлардан сўнг санокли сонетлар яратган бўлса-да, унинг асарлари шу жанрнинг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди, кейинги давр шоирлари томонидан унинг ўлмас анъаналари давом эттирилди.

Шарқ халқларида “Девон” тузган шоир деган номга мушарраф бўлиш унинг ғазалчиликдаги маҳоратидан англашилган бўлса, сонет мисолида биз Ғарбда ҳам шундай ҳодисага дуч келамиз. Ҳар иккала жанрга берилган назарий таърифларни қиёслаганимизда, бу ҳодиса аниқ кўринади.

Ғазал формал поэтик жиҳатдан куйидаги хусусиятлар билан “Сонет (Sonetto, итальянча кўшиқ) ўн тўрт мисрали банд, характерланади: а) икки мисрали байт рус адабий-илмий манбааларида усулида ёзилади; б) шеърдаги ҳар бир лирик жанр деб кўрсатилган, у байт нисбий мустақилликка эга; в) иккита тўртлик ва иккита қофияланиш тартиби: биринчи байт учликдан, ё уч тўртлик ва бир ўзаро қофияланади: қолган барча иккиликдан ҳосил этилади, байтларнинг тоқ мисралари очик тўртлигини катрен (тўртлик), қолиб, жуфт мисралари биринчи байт учлигини терцет (учлик) билан қофиядош бўлиб келади, дейилади; тўртликлар абаб, абаб, схемаси: а-а, б-а, в-а, г-а...; г) ёки абба, абба, учликлар вгв, гвг, қофиядан сўнг кўпинча радиф келади; ёки вгд, вгд тарзида қофияланади. д) ғазалнинг биринчи байти матлаъ, Биринчи тўртликда асосий фикр сўнги байти мақтаъ деб юритилади; ўртага ташланади, иккинчи шеър мақтаъсида муаллифнинг тўртлик бу фикрни тахаллуси ёхуд исми кўрсатилади; ривожлантиради; биринчи учлик ё) шеър мусикабоп усулларда ёзилади; ечимдир, иккинчи учлик хотима ж) анъанага кўра ғазаллар ўн байтдан дейилади”¹⁸. ошмаслиги керак...”¹⁷

Сонетда муҳаббат, фалсафа, санъат, ижтимоий ҳаёт, қаҳрамонлик, тарихий, пейзаж қаби мавзуларнинг кенг ва ҳар томонлама ишланганлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбек сонетида эса ҳозирча, айниқса, муҳаббат, пейзаж, фалсафа, дўстлик мавзулари кенг ишланган. Муҳаббат, дўстлик мавзулари Барот Бойқобилов ижодида, фалсафа, пейзаж, интим мавзулар Рауф Парфи, Фахриёр ижодида салмоқли ўринга эга.

¹⁶Куроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси, – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акционерлик компанияси, 2004. – Б. 92.

¹⁷ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари . – Т.: Ўзбекистон. 2002. 481- б.

¹⁸ Адабий турлар ва жанрлар. Уч томлик – Т.: Фан, 1992. 188 -б.

Иккинчи боб “Сонет жанри модификацияси” деб номланган. Ушбу боб уч фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасли “Сонет таркиби ва жанр хусусиятлари” деб номланган фаслда ўзбек сонетчилигидаги мавжуд бўлган мумтоз ва эркин сонетлар таркиби ўрганилган.

Ўзбек сонетчилигида кенг тарқалган сонет шаклларида бири, адабиётшунослар термини билан айтганда, “мумтоз сонет” ҳисобланади. У икки тўртлик ва икки учликдан иборат. Унинг қурилиш тартиби сонетнинг қофияланиш схемасига ҳам ўзига хослик бағишлайди. Сонет катренларидаги қофияланиш схемасини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

I	II	III	IV
a	a	a	a
б	б	б	a
б	a	в	б
a	б	a	б
a	a	a	a
б	б	a	б
a	б	a	в
б	a	a	б

Сонет терцетларидаги қофияланиш усули эса қуйидагича:

I	II	III	IV
a	a	a	a
б	б	б	б
a	б	в	б
a	a	в	a
a	б	a	б
б	a	б	a

Адабиётшунос М.Тулов, Н.Шульговский томонидан тасниф этилган жаҳон сонетчилигига оид қофияланиш тартиби ҳам турлича талқин этилган. Бироқ ўзбек сонетчилигидаги асосий қофияланиш тартиби юқоридаги жадвалда кўрсатилганлардан иборат.

Мумтоз сонетчиликда кенг тарқалган катренларнинг қофияланиш тартиби асосан икки хил ҳисобланади: 1) абба; вггв; 2) абаб; вгвг. Биринчи қофия кўриниши, умуман, шакл жиҳатдан ҳам, муסיқийлик жиҳатдан ҳам эътиборни тортади. Биринчи, иккинчи мисраларда оҳангдорлик касб этмаган сатрлар учинчи, тўртинчи мисраларга келиб сўз ва хуш товуш уйғунлигига эришади. Қофияланишнинг иккинчи тури эса мураббаъ жанри қофиясидек анъанавий қофияланиш хусусиятларига мувофиқ келади. Қофияланишнинг иккинчи тури – ўзбек шеърини учун хос бўлган қофия шакли. Бироқ сонетнинг ўзбек адабиётига олиб кирган янгилиги бу биринчи қофия шакли ҳисобланади: абба... .

Эркин сонетнинг энг яхши намуналаридан бири Чўлпоннинг “Куз” шеъридир. Унинг қофияланиш тартиби, юқорида кўрилган шеърдан фарқли ўлароқ абаб, вгвг, деде, ёё шаклидадир.

Бутун борлик – чоғлик ўтиш олдида,
Совук... қора қишга кўчиш олдида...

Сюжетнинг бутун моҳияти ана шу икки яқунловчи мисрада жамланган. Мана шу яқунловчи хулосага келгунча шоир китобхонни руҳан тайёрлаб

келади. Ундаги образлар, рамзлар, тилга олинган ҳар бир деталь, ўхшатиш, сифатлаш даврнинг суронли нафасидан, рутубатли дақиқаларидан хабар бериб туради.

Эркин сонетнинг энг гуллаган даври инглиз уйғониш шеъриятига бориб тақалади. Унинг бир қанча синонимик қатори мавжуд. Эркин сонет ўрнига баъзан “инглизча”, “шекспирона” вариантлари ҳам ишлатилади. Адабиётшуносликка оид ишларда эркин сонетнинг биринчи ижодкори сифатида инглиз шоири Томас Уайт номи тилга олинади. У сонетнинг мумтоз италянча шакли (икки катрен ва икки терцет) ни ўзгартириб, тамоман янги сонет йўлини очди (уч катрен ва бир иккилик). Уайт сонетларининг қофияланиш тартиби : абба, абба, сддс, ее”¹⁹.

Мумтоз сонетнинг қурилиш таркиби қуйидаги уч хил вариантда бўлиши мумкин: (8+6; 4+4+6; 4+4+3+3). Биринчи вариант ўзбек адабиётида учрамайди. Иккинчи вариант Рауф Парфи ижодида сайқал топди. Унинг аксарият сонетлари 4+4+6 шаклидадир. Мумтоз сонетнинг учинчи вариантыда эса Фахриёр баракали ижод қилмоқда.

Эркин сонетнинг шаклини эса қуйидаги схемада кўрамиз: 4+4+4+2. Адабиётшунос Д. Ливернинг фикрича, Уайт сонетни катренлар ва бир иккиликдан таркиб топтириб, шу билан бутун сонетнинг маъно салмоғини, яъни поэтик ғоя урғусини охириги икки мисрага жойлаштирадиган бўлди. У яратган сонетнинг специфик хусусияти қофияланиш тартибида эмас, балки мисраларни мантикий мазмунга мувофиқ иккига ажратганидадир: 12+2 ²⁰.

Хуллас, мумтоз сонет ҳам, эркин сонет ҳам ўзбек адабиётида ўз мавжудлигини оқлади. Боту, Чўлпон, Усмон Носир бошлаб берган анъана Барот Бойқобилов, Рауф Парфи, Фахриёр каби қатор шоирлар ижодида давом эттирилди, сонетнинг ҳар иккала шаклида баркамол шеърлар яратилмоқда.

Бобнинг “**Сонетлар гулчамбариди бадий тафаккур имкониятлари**” деб номланган иккинчи фаслида ўзбек шеъриятида сонетлар туркуми, сонетлар гулчамбари, сонет-достон каби поэтик шакллар билан бойитилганлиги хусусида сўз юритилади.

Сонетшуносликда “нотўғри (неправильные) сонетлар” деб аталувчи атама мавжуд бўлиб, унинг ҳар хил кўринишлари учраб туради. “Нотўғри сонет” деб аталишининг сабаби унда на мумтоз сонет, на эркин сонет қоидаларига амал қилмайдиган ҳамда ўзига хос композицион кўринишга эга бўлганлиги асос бўлган. Сонетнинг бу кўриниши борасида етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган. Сонетшуносликда уларнинг мавжудлиги, ўз даврида кўп тушунмовчиликларга сабаб бўлганлиги қайд этилади, холос. Бундай асарларнинг пайдо бўлишига таржима сабаб бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Бандлар таркибидаги, қофия таркибидаги “бузилиш”лар бир шеърый системадаги тилдан бошқа бир шеърый системага мансуб тилга ўгирилганда юзага келган. Шулардан бири “Думли сонет” деб аталади. Унда мумтоз сонетга учинчи терцет қўшилади, мисралар сони ўн еттитагача етади.

¹⁹Европейские поэты Возрождения. – М.: Художественная литература. 1974. – С. 695-696.

²⁰ Володарская Л.И., Ливер Д. Сонеты английского Возрождения // Р.Ж.: - Сер. 4. – 1977. - №2. – С. 79.

“Бошсиз сонет” дея ном олган шеърда эса мумтоз сонетдан биринчи катрен тушиб қолади: 4+3+3=10. “Савол – жавоб сонет” ларда эса эпистоляр мавзу, яъни мактуб шакли юзага келган. “Иккиталик сонет” да йигирма саккиз мисра бўлиб, у 4 катрен ва 4 терцетдан ҳосил бўлади: 4+4+4+4+3+3+3+3=28.

Рауф Парфининг сонетлар туркуми рауфона фалсафийлиги билан ажралиб туради. Фалсафий лирика кишилик тақдири ҳақидаги ўйлардир. Бу – умрнинг таянч нуқтасини топишга уринишдир, муаммолар қўйиш ва муаммоларга жавоб излашдир. Р. Парфининг лирик қаҳрамони ана шундай муаммолар оламида ўзликни топишга уринган шахсдир.

Лекин ҳар бир шеърдаги штрихлар, тасвирлар Чўлпондан дарак бериб туради. Унинг Ватан озодлиги, эл эрки йўлидаги саъй-ҳаракатларидан, изтиробларидан хабар бериб туради.

Она тилим, сен руҳимнинг қаноти,
Абу-турк нафаси, Олтой чечаги.
Хун давридан омон келди Ғиротинг,
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.

Иккинчи катрен “Ўрхун бўйларида тошга айланиб, кўкларга санчилган Турон” ҳасратидан сўзлайди. Биринчи терцетда, яъни авж нуқтада “порлоқ осмонни қузғунлар қоплаганлиги, ёғийлар, яғмо солиб, элнинг жигар – қонини ичганлиги” ғоят сиқик, таъсирдор мисраларга жойлашади. “Жигар – қонини ичганини ҳам кечириш мумкин, лекин ёлғонни кечириб бўлмас” лиги туркумдаги биринчи сонетнинг хулосаси, аламли ва аччиқ якунидир.

Туркум сонетлар Фахриёр ижодида ҳам учрайди. Дейлик, унинг муҳаббат мавзуидаги сонетлари бир-бирини тўлдириб, бир-бирининг давомидек туюлади. Шоир бу сонетларини туркумларга ажратмайди, ҳар бирини алоҳида асар сифатида тавсия этади. Лекин унинг “Намозшомгул” асари сонетлар туркуми бўлиб, унда бешта сонет қамраб олинган. Лирик “Мен” бу туркумнинг ядросини ташкил этади.

Умуман, ўзбек сонетчилигида туркумлик ҳодисаси қарор топиб бораётган типологик ўзига хосликлардан биридир.

Сонетлар гулчамбари ўзига хос аломатлари билан ажралиб туради. Ўз номи билан айтганда, энг сара гуллардан тартиб берилган хушбўй ва тароватли даста. Гулчамбар ўн беш сонетдан иборат бўлиб, ўн бешинчиси магистрал деб аталади. Биринчи сонетнинг охириги мисраси билан иккинчи, иккинчи сонетнинг охириги мисраси билан учинчиси бошланади. Шу тартибда сонетлар гулчамбари давом этиб, магистрал 14 сонетнинг биринчи мисраларидан ташкил топади. Унинг композицияси шундай гўзал бўлиш баробарида шоирдан катта истеъдод талаб қилади. Шунинг учун ҳамма сонетчи шоирларнинг гулчамбар тартиб беришга поэтик маҳорати етишмайди.

Ўзбек адабиётида ҳозирча иккита сонетлар гулчамбарининг ягона варианты мавжуд бўлиб, у Барот Бойқобилов қаламига мансуб.

1972 йилда ёзилган бу гулчамбар барча назарий қоидаларга мувофиқ келади. Лекин мавзу эътибори билан бугун эскирган. Магистрал сонетлар гулчамбарининг охирида келган. Баъзи ҳолларда гулчамбарнинг бошида ҳам

келиши кузатилади. Сонетлар гулчамбарининг қофияланиш тартибини магистрал белгилайди. “Олтин тўй” асарида ҳам шундай ҳол кўзга ташланади.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли **“Сонет-достонларда умуминсоний кадриятлар ва бадиият муаммолари”** деб аталади. Сонет синтетик жанр сифатида ўз имкониятларини достон ва шеърин романларда ҳам намоён этиб келмоқда. А.С.Пушкин “Евгений Онегин” асарида сонет шаклидан унумли фойдаланган. Сонет анъаналарини достонда давом эттириш Барот Бойқобилов ижодида тез-тез учраб туради. Унинг қай бир достонини олиб қараманг, баъзан кириш қисмида, кўпинча хотимада, албатта, сонет учрайди.

“Сонет-достон” атамаси Барот Бойқобилов ижоди орқали адабиётшуносликка кириб келди. Умуман, лирика жанрларидан фойдаланган ҳолда достон тартиб бериш анъанаси адабиётимизда мавжуд. Лекин сонет жанр сифатида илк бор шундай достонлар композициясидан жой олмоқда. Барот Бойқобиловнинг “Қуёш фарзанди” достони сонетлардан ташкил топган. Шоир бу асарини қайта ишлаб, “Ўзбекнома” асарида “Мен кашф этган Ўзбекистон” номи остида чоп эттирди. Унда юзта сонет жамланган.

Сонетлар гулчамбарининг кейинги йилларда муваффақиятли ёзилган намуналаридан бири сифатида Матназар Абдулҳакимнинг “Маҳзун ун чекади най ёралари”²¹ асарини келтириб ўтиш мумкин. Шоир бу асарнинг шаклини “Сонетлар чамбари” деб атайди. Рус тилидаги “венок” сўзини “гулдаста”, “гулчамбар”, “чамбар”, “новда” кабилар тарзида таржима қилиш мумкин. Лекин адабиётшунослигимизда анчадан бўён “Сонетлар гулчамбари” атамаси ишлатиб келинмоқда. Шунинг учун “венок”ни қайта–қайта оригинал таржима қилмай, “Сонетлар гулчамбари” атамасидан фойдаланмоқ мақсадга мувофиқдир. Зеро, ушбу атама адабий истеъмолга кирганига анча йиллар бўлди.

Матназар Абдулҳакимнинг бу асари Барот Бойқобилов гулчамбарларидан фарқли ўлароқ ишқ–муҳаббат мавзуида, инглиз сонети шаклида, яъни 4+4+4+2 схемаси асосида ёзилган. “Маҳзун ун чекади най ёралари” манзумасини “соф лирик” (гарчи шартли бўлса ҳам) асар дейиш мумкин. Зотан унда “Мен” ва “Сен” иштирок этади, тўғрироғи “Мен” нинг “Сен” га қаратилган монологи, муносабати композицион бутунликни ташкил этади. Унда драматик аломатлар кўринмайди. Яъни, “Мен”, “Сен” билан бирга “У” иштирок этмайди. Демак, “У”, яъни “Ағёр” нинг иштирок этмаслиги асарни драматизмдан холи қилади, “Соф лирик” кечинма парвозини таъминлайди.

Матназар Абдулҳаким эҳтирослари кучли, ҳассос шоир. Буни унинг қатор шеърин тўпламлари, форс тилидан қилган таржималари ҳам исботлайди. Сонет мураккаб жанр, сонетлар гулчамбари ундан-да мураккаброқ, шоир хаёлларининг эркин йўналишини бир қадар чеклаб қўядиган оғир жанр. Бир сонетни бири тугаган жойидан бошлаб кетиш керак, магистрал “тўқ” чиқиши учун қофияга эҳтиёткор бўлиш ва ҳоказо. Бу

²¹ Абдулҳаким М. Маҳзун ун чекади най ёралари // Тафаккур, №1. – 2005. 36 – 43 б.

фикрлар ва Матназар Абдуҳаким гулчамбарининг камчиликлари диссертацияда асосли таҳлил қилинган. Шунга қарамасдан, бу асар шоир ижодида ишқ-муҳаббат мавзуида битилган биринчи сонетлар гулчамбари сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Учинчи боб **“Сонет яратишда бадий маҳорат ва услуб ранг-баранглиги”** деб номланган. Бу боб ҳам уч фаслдан иборат. Биринчи фасл **“Барот Бойқобилов сонетларида миллий ифтихор туйғуси тасвири”** бўлиб, унда шоирнинг поэтик услуби, унинг сонет яратишдаги маҳорати кузатилади.

